



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 2 (13.335)

Баҳоси эркин нарҳда

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари! Мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлигининг унвотилмас солномасидаги муҳим сана – Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан Сизни ва бутун Хитой халқини самимий табриклаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон ва Хитой алоқалари кўп асрлик тарихга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасида азал-азалдан барқарор савдо-сотиқ, илм-фан ва гуманитар алоқалар йўлга қўйилгани, маданиятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бир-бирини бойитгани ҳақидаги кўплаб ёрқин мисоллар тарих саҳифаларига муҳрланган.

Изчил ва муттасил ривожланиб бораётган, жаҳонда улкан нуфуз ва таъсирга эга Хитой Ўзбекистоннинг яқин ва ишончли ҳамкоридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мустақкам анъанавий дўстлик, ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида мунтазам ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари бугунги кунда аввало Сизнинг шахсий ташаббусингиз тўғрисидаги муносабатлар ҳар томонлама чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли мазмун касб этган ҳамкорликка айланган. Томонларнинг изчил ва қатъий савб-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида узок муқаддатли ва кўп қиррали ҳамкорлик шаклланди, давлатлараро ва ҳукуматлараро ташрифлар мунтазамлик касб этди.

Биз Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган ва чуқур ўйланган, вақтинчалик савб-ҳаракат йўли, ягона Хитой сиёсати, терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши курашиш борасидаги тadbирларни доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар доирасида Хитой билан бундан кейин ҳам амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустақкам ҳуқуқий ба-

заси яратилган бўлиб, унинг энг муҳим асоси бўлган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларимизнинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Сизнинг 2016 йил июни ойида Ўзбекистонга давлат ташрифингизни, унинг доирасида тарихий аҳамиятга эга Қўшма баёнот имзоланганини ҳаммиша катта мамнуният билан эслаймиз. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ва Хитой муносабатларини ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиқди.

Савдо-иқтисодий, молиявий-техникавий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқлар алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги энг муҳим технология Хитой изчил қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз. Хитой кўмаги ва иштирокида санаят, энергетика, транспорт, телекоммуникация, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларда кенг миқёсдаги энг муҳим технология Хитой лойиҳалар амалга оширилди.

Осиё инфратузилмасий инвестициялар банки фаолият бошлагани иқтисодий ҳамкорлигимиз учун янги имкониятлар очмоқда.

Яқин келажакда бўладиган олий даражадаги учрашув Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг ҳар томонлама ривожига янада жадал суръат бағишлаганига, ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг барча масалалари бўйича мулоқотларимизни давом эттириш учун қулай имконият бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни, муҳтарам Си Цзиньпин жаноблари, оила аъзоларингиз ва яқинларингизни чин қалбидан Янги йил билан табриклаб, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга зафарлар, дўст Хитой халқига фаровонлик ва тараққиёт тилаймиз.

Чуқур эҳтиром билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари! Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Хитой ҳўкумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табриқларимни ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Хитой ва Ўзбекистон – яқин дўстлар ва ишончли ҳамкорлардир. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён ўтган 25 йил давомида Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари изчил ва барқарор ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этган, ўзаро сиёсий ишонч мустақкамланмоқда. "Бир кўт, бир йўл" барпо этилишида дастлабки муҳим натижаларга эришилди, "уч ёвуз кўч"га қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Мамлакатларимиз асосий манфаатларига доир масалаларда бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Давлатларимиз умумий манфаатларимизни ҳимоя қилиш мақсадида БМТ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатларимиз имзолаган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро муносабатларимизни ривожлантириш учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2016 йилда биз ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ўрнатдик, турли соҳалардаги ҳамкорлигимиз тараққиётини янги босқичга кўтарилди. Хитой муносабатларимизнинг муваффақиятларидан мамнун ва у истиқболда янада ривожланишига ишонч қатъийдир.

Мен Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераман. Хитой Ўзбекистон таллаган ўзига хос тараққиёт йўлини, давлат мустақкамлиги, суверенитети ва хавфсизлигини мустақкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш борасидаги савб-ҳаракатларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Хитой – Ўзбекистон муносабатларининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатларимиз халқларининг фаровонлиги йўлида ўзаро сиёсий ишончли мустақкамлаш, Хитой ва Ўзбекистоннинг ҳар томонлама стратегик шериклигини изчил ривожлантириш йўлида Сиз билан ҳамкорликка ишлагга тайёрман.

Хитой ва Ўзбекистон дўстлиги янада мустақкамланиб, жадал ривожланаверсин!

Сизга мустақкам соғлиқ ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз!

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Пекин шаҳри,
2017 йил 2 январь



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ТОБЛАНИШ ВА УЛҒАЙИШ МАКТАБИ

Армия – мустақкам ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган вақтиннинг иродасини тоблайдиган, сабр-қаноатга, вақт ва меҳнатнинг қадрига етишга ўргатадиган, ҳуллас, ҳақиқий йигитга айлантирадиган мактаб. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ҳарбий ислоҳотлар юксак натижалар бермоқда.

Бугун мамлакатимиз Куролли Кучлари сафларидан ўрин эгаллаётган ўғлонлар замонавий ахборот коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган, энг асосийси, ҳаёт ҳақида ўзининг мустақкам фикри ва қарашига эга ёшлардир.

Тошкент Олий умумқўшни кўмондонлик билим юрти мамлакатимиздаги етакчи ҳарбий таълим муассасаларидан биридир.

Режага мувофиқ, муқаддатли ҳарбий хизматчилар билан тактика, ўқ отиш, муҳандислик, алоқа, саф тайёргарлиги, ҳарбий ҳўкук, умумҳарбий низомлар, оммавий қирғин куролларидан ҳимояланиш сингари йўналишлар бўйича машғулотлар ўтказилади, – дейди билим юрти катта офицери, майор Сўҳроб Сулаймонов. – Сержант ва офицерлар машғулотларни ўтишда илгор педагогик технологиялар, интерфаол усулларни кенг қўллайдилар. Аскарлар ётоқхоналари, дам олиш хоналари замонавий маший техника, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Уларнинг озиқ-овқат рационидан гўшт, балик, сут ва зарур витамин, минералларга бой бошқа махсуслотлар, таомлар ўрин олган. Буларнинг барчаси ўғлонларнинг хизматни аъло даражада ўташига хизмат қилмоқда.

Билим юртининг хилма-хил адабиётлар билан тўла кутубхонаси ҳаммиша гавжум. Зиё масканидан махсус адабиётлардан тортиб даврий нашрларнинг энг сунги сонларигача топиш мумкин.

Китоб фонди доимий равишда янги-янги, тўлдирлиб боришмоқда, – дейди етакчи кутубхоначи Одина Мамажонова. – Масалан, 30 мингдан зиёд ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари ўрин олган "Бадий адабиётлар" бўлими жавонлари ҳар йили мингга яқин янги асар билан бойимокда. Бу Ватан ҳимоячиларининг маънавий дунёсини янада бойитиши, уларда теран ва кенг дунёқараш шаклланишига хизмат қилмоқда.

Юрт посбонларининг ён-атрофимизда кечаётган воқеа-ходисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва мустақкамлаш, уларда фаол ҳаётий позицияга эгаллик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш – муҳим вазифа. Бу ҳар-

бий қисм ва бўлинмаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулоти самарадорлигига ҳам боғлиқ.

Маънавий-маърифий тайёргарлик хоналарининг зарур анжом ва воситалар, газета ҳамда журналлар, турли адабиётлар билан жиҳозланиши аскарларнинг билими ва салоҳиятини ошириш, маънавий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади, – дейди лейтенант Сардор Тоҳиров. – Машғулотларни қизиқарли олиб бориш кўп жиҳатдан машғулот раҳбарининг тажрибаси, билими ва маҳоратига боғлиқ. Демак, ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик қўриш, қўшимча манба ва адабиётлардан фойдаланиш, шунингдек, мавзуга оид баҳс-мунозаралар, давра сўхбатлари янги маълумотларни ўзлаштиришда қўл келади.

Армия одами буткул ўзгартирар экан, – дейди оддий аскар Бекзод Маҳаматов. – Ҳар қандай вазифага масъулият билан ёндашиш, бошлаган ишни охиригача етказиш, жамоадошларни қўллаб-қувватлаш, ақлий салоҳиятни ошириб бориш ва жисмоний баркамолликка эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, ташаббускор ва интилувчан бўлиш зарур. Турли вилоятлардан келган йигитлар – сафдошлар билан дўстлашдим. Командирларимизнинг гамҳўрлиги ва дўстона муносабати кўпчилигимизда ҳарбийликка бўлган қизиқишимизни тобора оширмоқда. Армия ҳақидаги таассуротларим кўп, машғулот сайин бойиб бормоқда. Тўғрисини айтганда, эндиликда ўзимни ҳарбийликдан бошқа соҳада тасаввур ҳам қилмайман.

Бекзоднинг ҳарбийларга хос дадиллик, қатъий ишонч билан айтган сўзларини тинглаб, Ватанимиз сархалларини ҳимоя қилиш ёшларимизнинг олий мақсадларидан бирига айланганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Бу мустақкамлик тўғрисида дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз ўзгарганидан, етуқ ва баркамол, мустақкам фикрлайдиган, юрт тинчлиги, халқ хотиржамлигини таъминлаш шарафли бурч, деб биладиган янги авлод камол топганидан далолат беради.

Бекзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАРИ

Австрия пойтахти Вена шаҳрида 18-Марказий Осиё оммавий ахборот воситалари конференцияси бўлиб ўтди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам иштирок этди.

Конференция мавзуси "Марказий Осиёда ОАВ эркинлигига хавфлар хилма-хиллиги" деб номланганининг ўзиёк бу масала нафақат журналистлар, балки бутун жамият учун ҳам ўта долзарб эканидан далолатдир. Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, муҳокама чоғида ўртага ташланган масалалар фақат минтақавий аҳамиятга эга эмас. Бугунги кунда коммуникация олами глобал тус олмоқда. Инсоният Ер шарининг барча минтақаларида экстремизм ва адоват қучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқда. Бундай шароитда масс-медиа воситалари олдида бугунги жамият ҳаётида ўз ўрни ва ролини, жамоатчиликка ишончли ахборот етказиш масъулиятини англаш, ҳақиқий демократияни таъминлашда оммавий ахборот воситалари

салоҳиятини намоён этишдек муҳим масала кўйилмоқда. Анжуман иштирокчиларидан бирининг фикрича, илгари авторитар давлатлардагина эркин ва мустақкам журналистларни унчалик хўш кўрмаган бўлса, бугун журналистлар ҳам-жамиятга ҳатто демократик ривожланган мамлакатларда ҳам жамоатчилик томонидан жиддий босим ўтказилмоқда. Бу ҳақиқат. АҚШда бўлиб ўтган Президент сайловиди ҳар икки етакчи партия вакиллари ахборот тарқатиш, сайлов кампаниясини ёритишда иштирок этган оммавий ахборот воситаларининг ноҳоллигини бир неча бор қайд этганини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ижтимоий технология тарққиёт бугун инсоният

фақат ахборот қўлиги муаммосини кўймоқда, балки жамоатчилик фикрини бошқариш, уни сохта маълумотлар билан таъминлаш ва турли мафкуравий дастурларга бўйсундириш учун глобал миқёсда шароит яратиш бўлиб ўтган. Шу муносабат билан давлатлар ва халқаро ташкилотлар тартиб-ташвиқот ҳамда мафкуравий таъсир ўтказиш жараёнларига барқарор тараққиёт ва хавфсизлигини таъминлашга жиддий ҳавф сифатида алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Конференцияда бугунги кунда Ўзбекистонда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, мамлакатимизнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида атрафқоли маълумот бердик. Халқимиз ўз келажиги учун ишонч билан овоз берган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва унинг

яқунлари тўғрисидаги ахборот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизда юксак савияда ўтказилган демократик сайлов яқунларини конференция иштирокчилари ва ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги масаласи бўйича вакили бороси ҳам кенг қўллаб-қувватлади. Сайловнинг барча босқичларида мониторинг олиб борган ЕХХТ кузатувчиларининг тўлақонли миссияси ҳисоботи ҳам Ўзбекистонда сайлов холис, очик ва адолатли ўтганидан яққол далолат беради.

Юртимизда юз бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётган журналистлар Ўзбекистон жадал ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этмоқда. ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги масаласи бўйича вакили бороси ҳодимининг таъкидлашича, Ўзбекистонда тadbиркорликни янада ривожлантириш, суд тизимининг ҳақиқий мустақкамлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакат раҳбарияти демократик кадриятларни қарор топтириш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришни мақсад қилганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча маълумотлардан ошқинли сўзни қисқартир

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Самарқанд вилояти Ургут туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчилари оилалари учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди.
- Наманган вилояти Чуст туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янгидан бунёд этилган замонавий сузиш хавзаси фойдаланишга топширилди. "Косонсой

курулиш сервис" хусусий корхонаси курувчилари томонидан барпо этилган кишки сузиш хавзасига жамғарма ҳисобидан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

- Бухоро вилояти Жандор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тез тиббий ёрдам бўлими қурилишига 1,2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу ерда шифокор ва ҳамшираларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шароит яратилган. 160 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган бўлимга "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида замонавий "Nissan" русумли реанимобиль автомобиллари ҳам топширилди.
- Андижон шаҳрида қиличбозлик мажмуаси фойдаланишга топширилди. Таркибида

машғулот ва мусобақалар зали, кийиниш, ювиниш хоналари, шунингдек, 50 ўринли меҳмонхона бўлган ушбу мажмуа Андижон шаҳридаги "Андижон тезкор қурилиш" масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан бунёд этилди.

ЖАҲОҢИДА

- Хитой 1 январдан Буюк Британияга темир йўл орқали тўғридан-тўғри юк ташини йўлга қўйди. ХХР шарқидида Чжэцзян провинциясининг Иу шаҳридан Лондонга юк поездлари катнайдилар. 12 минг километр узунликдаги йўналиш бўйлаб поезд Қозоғистон, Россия, Беларусь, Польша, Германия, Бельгия ва Франция орқали ўтади. Дастлабки ойларида рейс ҳафтасига бир марта амалга оширилади.

- Янги йил оқшомида Истанбулдаги тунги клубга уюштирилган террорчилик ҳужумида иорданиялик миллиардер, Mahdi гуруҳи асосчиси Муҳаммад Ас-Сарроф ва унинг дўсти – ресторатор Наврас Ассаф ҳалок бўлди. Уларнинг рафиқалари, шунингдек, иорданиялик яна бир оилавий жуфтлик ҳужум пайтида яраланган бўлиб, айна пайтда шифохонададир.
- Финляндия ҳўкумати тажриба мақсадида 2 минг нафар тасодиқланган танланган ишсиз фуқарога ойига 560 евродан тўлаб боради. Улар иш топган тақдирда ҳам тўлов миқдори ўзгармайди. Дастур икки йил давом этади. У фуқароларнинг кафолатланган базавий даромади концепциясини ҳаётга татбиқ этиш мумкинлигини исботлашга қаратилгандир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари С.Турдиев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳамоллигида бозор ислохотларининг ҳаётимизга изчил татбиқ этила-

ётгани иқтисодий ривожланишини таъминлаётганини таъкидлади. Янги қонун тадбиркорлик субъектлари фаолиятини асоссиз аралашувлардан ишончли кафолатлаш билан бирга, жиноят ишлари бўйича тафтишлар ўтказишни процессуал жиҳатдан аниқ тартибга солиши билан аҳамиятлидир.

Қонунда молиявий-ҳўжалик фаолиятни амалга ошириш чоғида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларини ва уларнинг ходимларини, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган шахсларни, агар етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қопланган ва ҳуқуқбузарлик оқибатлари ижтимоий равишда бартараф этилган тақдирда жавоб-

гарликнинг барча турларидан озод этиш, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жиноий жазони қўллашга таъқиқ белгилаш назарда тутилган.

– Ушбу қонунлар тадбиркорлик субъектларини икки томонлама жазолашни бартараф этибгина қолмай, балки илк бор ҳуқуқбузарлик содир этган ва ўз айбини англаб етган фуқароларга ҳеч қандай салбий оқибатларсиз яна фаолиятини давом эттириш имкониятини беради, – дейди партия фракцияси аъзоси, кўйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Дониёр Абдуқодиров. – Қонунда бир қатор қонунчилик ҳужжатларига муқобил текширувларнинг барча турларини, жумладан, жиноят ишлари бўйича муқобил текширишларнинг барча турларини бекор қилишга тааллуқли тузатишлар киритилган. Бу тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг олдини олади. Мамлакатимизда хусусий мулкни ва ишбилармонлик фаолиятини янада ривожлантиришга ҳизмат қилади.

Йиғилишда ушбу ҳуқуқий ҳужжат иқтисодий таъминлиберилаштириш ва бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва қонун ижроси устидан самарали назорат ўрнатишда парламентнинг ваколати ва масъулиятини янада оширишга кўмаклашиши қайд этилди. Жойларда партия кенгашлари ва депутатлар иштирокида ушбу қонуннинг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ тарғибот тадбирларини ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия сиёсий кенгаши марказий аппарати масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси Н.Умаров ва бошқалар мазкур фармон аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини яратишга қаратилганини таъкидлади.

– Фармонда барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас,

давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалда қарор топтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсади мужассам, – дейди "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Қодир Жўраев.

Фракция йиғилишида депутатлар томонидан мазкур фармонда белгиланган муҳим вазифалар ижроси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда сиёсий партиялар, жумладан, "Адолат" СДП фракцияси, партиянинг барча бўғиндаги тузилмалари зиммасига қатта масъулият юклаши алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан партия фракциясининг вазифалари белгилаб олинди.

ЎЗА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БҲИЧА 2017 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-122-III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳри бўйича 2017 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ҳамда туман ҳокимликларига 2017 йил маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларини солиқ тўловчилар эътиборига етказилиши ва ижро этилишини таъминлаш топширилсин.
3. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг "Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича" доимий комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р. Усманов

2016 йил 29 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган конференция иштирокчиларида қатта қизиқиш уйғотди. Журналистлар учун йўналишда миллий масс-медияни ривожлантириш ушбу қўлай шароитлар яратилганини таъкидлади. Анжуман давомида оммавий ахборот воситалари халқнинг ҳокимият билан мулоқотида фаол иштирок этиши, жамиятда самарали коммуникацияларни йўлга қўйишда ижтимоий тармоқлар салоҳиятидан кенг фойдаланиш бўйича қўлай таклифлар билдирилди.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкичилигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот ҳам тадбир иштирокчилари қизиқишига сабаб бўлди. Иштирокчиларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкичилигини таъминлаш ва мониторинг бўйича Жамоатчилик кенгаши ташкил этилгани, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг "очкичлик индекси" миллий рейтинг шакллантирилгани Ўзбекистоннинг давлат институтларининг ахборот очкичилигини таъминлаш борасида минтақада етакчи давлатга айланганлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ва журналистикани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда, ушбу соҳа давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, наشريёт ва матбаа корхоналари учун имтиёз ва преференциялар бир неча йиллардан буён қўллаб келинмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш бўйича демократик стандартларга мос мустақам қонунчилик тизими яратилган. Мазкур қонунчилик нормалари миллий масс-медия воситалари, оммавий ахборот воситалари тахририятлари фаолиятининг иқтисодий асосларини ишончли ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ОАВ самарали иштирок этиши учун қўлай шароит яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида 2017-2021 йилларда мамлакатимизни янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳақида тўхталиб ва мазкур ҳужжат лойиҳаси кенг муҳокама учун эълон қилинишини таъкидлади. Журналистлар ҳам ушбу дастурни муҳокама этиш жараёнида фаол иштирок этиши, ўз таклифларини билдириш лозим, деб ўйлайман. Яқин ва ўрта муқаддатли истиқболда мамлакатимизни стратегик ривожлантиришга хизмат қилган мазкур ҳужжат миллий оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, жамиятда уларнинг ролини ошириш ва фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши зарур.

Ушбу кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ривожлантириш, Бош қўшма мажлисда белгиланган фуқароларнинг сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Ахборот
ва коммуникация технологиялари
масалалари қўмитаси раиси
ЎЗА

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Х.Кетмонов ва бошқалар кексаларни эъзозлаш, салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамиятимиздаги барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёши улуг инсонларнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун барча шароит яратилмоқда. Зеро, улар юртимизда тинчлик ва оқойишталикни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига қатта ҳисса қўшган.

Йиғилишда ўтган йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдамни кучайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган Саховат ва Муруват уйлари моддий-техник базаси, ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронларнинг турар жой шароитлари яхшиланди.

Фармонда Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси номи Ўзбекистон фах-

рийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси этиб ўзгартирилиши қўзда тутилган. Бу ушбу ташкилот фаолиятини тубдан ўзгартириб, нафақат кексаларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг бой ҳаётли тажрибасини ёш авлодни Ватанга муҳаббат, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этишга хизмат қилиши қайд этилди.

Нуронийлар учун назарда тутилган пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қонун ҳужжатлари қондалари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, эҳтиёжманд кексаларни ва аҳолининг бошқа қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам билан таъминлаш борасида белгиланган чоралар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга тўлиқ мос келиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда мазкур фармон ижросини таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан "Қасаба уюшмалари фаолиятига оид қонунларга киритилган ўзгартишлардан келиб чиқадиган вазифалар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

2016 йил 28 ноябрь куни имзоланган "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонуннинг ижросини таъминлаш ва уни кенг тарғиб қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар Адлия, Меҳнат бошқармалари вакиллари ҳамда қасаба уюшмаси фаоллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси С.Аҳмедов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матиев ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, қасаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар улкан натижалар бераётганини таъкидлашди. Шунингдек, мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унга киритилган ўзгартишлар на-

тижасида иқтисодийнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

– Мазкур қонун меҳнатни муҳофазаси қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз, – дейди Таълим, фан ва ма-

гани, жумладан, қасаба уюшмасига бирлашиш учун зарур бўлган ходимларнинг минимал миқдори камайтирилгани таъкидланди. Эндиликда ташкилотларда камида уч нафар ходимнинг ташаббуси билан ҳам қасаба уюшмасини тузиш имконияти яратилгани қайд этилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур қонуннинг

ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари қонунга киритилган ўзгартишлар айнан хусусий тадбиркорлар томонидан ёлғиз ишлаётган ходимлар учун ҳам ўз иш жойларида қасаба уюшмасига бирлашиш имкониятини яратиб берди. Шунингдек, бир марталик ишларда банд шахсларга қасаба уюшмасига бирлашиш

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашга, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Қонунга киритилган жорий ўзгартишлар орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимлар манфаатлари ҳимояси кучайтирилиб, яқна тартибдаги тадбиркорларга уч нафаргача ишчини ёллаш

ҳуқуқи берилганлиги доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли вакилларининг ҳам ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари кафолати сифатида юзага чиқди.

Давра суҳбатида қонунга киритилган ўзгартишлар натижасида қасаба уюшмаларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя функциялари ҳам кенгайтирилгани қайд этилди. Хусусан, илгари қасаба уюшмалари меҳнат низоларини кўриб чиқишда судларга даъво аризалари киритиш ваколатига эга бўлган бўлса, эндиликда бундай ваколат ҳуқуқий ҳимоянинг соддалаштирилган ва сама-

Зиёда РАСУЛОВА



Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида китобхонлиқни ривожлантиришга бағишланган семинар ўтказилди.

НАВҚИРОН АВЛОД ВА КИТОБ МУТОЛААСИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахти- миздаги ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, ўқувчи- ёшлар иштирок этди.

Халқ таълими вазирлиги ўринбосари Д.Кенжаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбарининг ўринбосари Ш.Тўраев, Республика болалар кутубхонаси директори Д.Уролов ва бошқалар мажлисда ҳар томонлама соғлом, юксак салоҳиятли ва маънавиятли фарзандларни камолга етказиш йўли- да амалга оширилаётган эзгу сарф-харакатлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз Исрол Каримов "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида халқимизнинг фидокорона меҳнатини, буюк бунёдкорлик салоҳиятини, замон- дошларимизнинг маънавий-руҳий дунёсини, баркамол авлод тар- биисидидаги эзгу интилишларни теран бадиий акс эттиришида мил- лий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти ғоят катта эканини таъ- кидлади.

Бугунги глобаллашув даврида ўқувчи-ёшларнинг китобга меҳ- рини янада кучайтириш, уларнинг билим ва кўникмаларини бойитиш, ўғил-қизларни миллатимиз учун ёт ва зарарли таъсир- лардан ҳимоялаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Халқ таълими вазирлиги томо- нидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа бир қатор таш- килотлар ҳамкорлигида "Адабиёт ҳафталиклари", "Китобхонлик байрамлари", атоқли ёзувчи ва шоирлар, ижодкорлар, маънави- ят тарғиботчилари билан учрашувлар ўтказиб келинаётди.

Семинарда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ёшлар одоб-ахлоқини шакллантириш, таълим муассасаларида маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларда китоб- хонлик кўникмаларини ривожлантириш лозимлиги қайд этилди.

– Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал ри- вожланаётган, қўлланмалар, дарслик ва адабиётларнинг элект- рон шакли яратилаётган, интернет орқали исталган адабиётни тезлик билан ўқиш имкони пайдо бўлган ҳозирги кунда ҳам ки- тобнинг навқирон авлод тарбиясидаги аҳамияти муҳимлигича қол- моқда, – дейди ЎзА муҳбирига Фаргона вилояти Ўзбекистон ту- манидаги 31-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари За- рофат Отажонова. – Бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам китоб- хонлик байрамлари самарали ташкил этилиб, "Энг яхши китоб- хон" танлови мунтазам ўтказилади. Унда болажонлар сеvimли ёзув- чи ва шоирлари асарларини мутолаа қилади, узаро муҳокама этади. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан ўқувчи-ёшларнинг учрашуви ташкил этилди. Адибнинг сер- мазмон ижоди, пурмазоли фикрлари ёшлар қалбига бир олам қувонч ва эзулик улашди. Мактабимизда "Одобли бола элчи та- нитар", "Мен тугилиб ўсган ўлка", "Биз табиятни севаимиз", "Ўқинг, янги адабиётлар" каби мавзуларда китобхонлик кечалари ўтказилмоқда.

Ёшларнинг китобхонлик даражасини юксалтириш, чоп этила- ётган дарсликлар, қўлланмалар, дарслик ва бошқа адабиётларнинг сифа- ти ва савиясини ошириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билди- рилди.

А.КЎСОВА

Мулоҳаза

Инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсон, бирламчи, ўз оиласида тарбияланиб, камол топади. Унинг қимматини инсон бўлиб етишишида оила алоҳида ўрнни тутади. Жамият тараққиётининг барча босқичларида оила муқаддас ҳисобланиб, ҳар қандай давлат оиланинг бузилиб кетишидан манфаатдор бўлмаганлигини, аксинча оиланинг мустаҳкам бўлиши ва раvнақ топишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлигини кузатиш мумкин.

Мамакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, унда ёш авлод тарбия топиб улғаяди. Зеро, соғлом авлоднинг вояга етказиши, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган бежиз эмас. Шу маъ- нода, Конституциямиз оиланинг ҳуқуқий негизла- ри, ота-оналар ва фарзандларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, оналик ва болаликнинг давлат томонидан му- ҳофаза қилиниши каби жамият ҳаёти учун, халқимиз учун ўта му- ҳим қондаларни белгилайди.

Мамакатимизда 1998 йил "Оила йили", 2001 йил "Соғлом авлод йили", 2012 йил "Мустаҳ- кам оила йили", 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ҳам айнан ана шу қондаларнинг амалий ифодасидир. Умуман, ҳар бир йил, ҳусусан, 2016 йилнинг ҳар бир кунини оналар ва фарзандлар соғлигини, жумладан, оилани мустаҳкамлаш борасида олиб борилаёт- ган ишларни янги босқичга кўтаришни эслатиб туради. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, ҳар бир йилнинг номига монанд ишлаб чиқилган ижтимоий дастурлар замирида оиланинг мустаҳ- кам бўлишига қаратилган вазифалар ўз аксини топади ва улар бир-бирини тўлдириб боради.

Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш, уни жа- мият ва давлат таянчи сифатида маъқула бел- гилашга қаратилган ҳуқуқий асос яратилган. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддаси маъ-

нун-моҳиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Рес- публикаси Конституциясининг XIV боби, Оила кодекси, Президентнинг тегишли фармон ва қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республика- си Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликларининг та- аллуқли қарорлари инсон ва унинг фаровонли- гини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр- қинликлари ҳимоясини янада оширишга қара- тилганлигини эътироф этган ҳолда оилани мус- таҳкамлашга йўналтирилганлигини айтиб ўтиш

руҳан жавоб бера олишлари, келажакда эр-хо- тинлик муносабатларини тушунган ҳолда ўз масъ- улликларини тўғри баҳолай олишга қўл даража- да тайёр ақалликларни текширувдан ўтказилади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаро- лик, Оила кодексларининг тегишли моддалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро- лар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Поши- ярат ёрдами тўғрисида"ги, "Одамнинг иммуни- тет танқислиги вирусини билан касалланиши (ОИВ)-

нинг олдини олиш тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларининг соғлом ва барқарор оилани шак- ллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирият билан боғлиқ туғма касалликларнинг олдини олиш борасидаги талаблари ижросини таъмин- лайди. Шак-шубҳасиз, мустаҳкам оилада ота-она, бола саломатлиги, албатта, ўта муҳим ҳисобла- нади.

Ҳар бир оиланинг мустаҳкам бўлишида мод- дей муҳим ва маънавий-ахлоқий муҳит ҳам асо- сий ўрнни эгаллайди. Шу нукта назардан, ма- мамлатимизда оилаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларни кадрлар, авайлаш, турмушини гўзал ва фаровон қилиш, маънавий оламни юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсо-

ний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишларига ҳавас қилса арзийди. Бу ўринда, давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик биз- нес юритиш асосида аҳолининг турли қатлам- лари, жумладан, ёш оилаларнинг моддий ҳаёти- ни шакллантириш, ривожлантириш учун ярати- лаётган имкониятлар хусусида гапирishi мум- кин. Масалан, мазкур йўналишда қилинаётган ишлар қаторида оилавий тадбиркорликни олиб қарайдиган бўлсак, бунда ота-оналар ва фар- зандларнинг ишлаб чиқариш иттифоқи маъна- вий ва моддий манфаатлар ўйналган асоси- да ташкил этилганлигини кўраимиз. Кези кел- ганда таъкидлаш мумкинки, оилавий тадбир- корлик билан шуғулланиш оилани мустаҳкам- лашга кўмаклашадиган, ички оилавий зиддият- ларни қамайтиради ва турмушда учрайдиган турли муаммоларни оқилона ҳал этиш имко- ниётларини кенгайтиради.

Оилани мустаҳкамлаш, мустақил фикрлаб, ҳаракат қиладиган, замон талабига жавоб бе- радиган авлодни тарбиялашда муҳим вазифалар- ни ҳаётга татбиқ этиш борасида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 18 майдаги "Тошкент шаҳ- рида оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тегиш- ли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш тўғрисида"ги қарори жуда муҳим ва зарурлиги билан аҳамият- лидир. Зеро, 2016 йил "Соғлом она ва бола" йили, аввало, юртимизда оила, оналик ва бола- ликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий- меъриёрий базани такомиллаштириш, оилаларнинг ижтимоий-моддий ва миллий-маънавий юксалиш госясини ҳаётга илҳом қилишга эътибор қилиш ва кўришни амалга ошириш билан изоҳланганда, кейинчалик ҳам ўз долзарблигини сақлаб қола- веради.

Барно РЎЗИЕВА, Тошкент шаҳар "Наврўз" никоҳ уйи мудираси

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруви органларининг глобал тармоқдаги расмий веб-сайтларида виртуал қабулхоналар очилиб, улар очиқлик, ошкоралик тамойиллари асосида фаолият юритаётгани давлат ва халқ ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш, жойлардаги турли муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг mpeconopoly.uz расмий веб-сайтида очилган виртуал қабулхона ҳам аҳоли учун бу борада талай қулайликларга эга.

Вазирлик мамлакатимизни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ва комплекс дастурларини ишлаб чиқувчи ва амалга оши- рувчи, чуқур ишланган ва мўваза- натли ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритилишини таъминловчи давлат бошқаруви органидир.

Макросиёсий барқарорликни, иқтисодийни мундобиш ва дина- мик ривожлантиришни таъминлаш, кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодий шаклланти- риш, хусусий мулкчилик ва бо- зор инфратузилмасини ривожлан- тириш, бой табиий ва минерал хо- маси ресурсларидан, яратилган ишлаб чиқариш ва илмий-техник потенциалдан самарали ва оқило- на фойдаланишга йўналтирилган аниқ мақсадли таркибий сиёсатни амалга ошириш, экспорт имкония- тини янада бойитиш ва мамлакатим- из иқтисодиётини жаҳон иқтисод- ий тизимига кенг интеграциялаш,

янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларини иш билан оқилона таъминлаш, аҳолини манзилли иж- тимоий муҳофаза қилишни кучай- тириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор, изчил ўсишига эришиш вазифалари ушбу давлат органи зиммасига юкланган.

Аҳоли вазирлига банк, молия, солиқ ва боғжона фаолиятига оид ўзларини қизиқтирган саволлар, кредит, уй-жой ва ер майдони аж- ратиш, меҳнат шартномалари, иш ҳақи ва нафақа пули олиш бўйича ариза ва шикоятлар, иқтисодий со- ҳасини янада ривожлантиришга доир тақлифлар билан мурожаат қилинмоқда.

Муассасага 2016 йил мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан 928 мурожаат келиб тушган. Муро- жаатларнинг 392 таси Интерактив давлат хизматлари портали орқали юборилган.

Вазирлик веб-сайтида виртуал қабулхона фаолиятининг йўлга қўйилиши юрtdошларимизнинг тур- ли масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки тақлифлар билан мам- лакатимизнинг иқтисодиёт вазир-

га тўғридан-тўғри, тез ва осон му- рожаат қилишига, ўзларини қизиқ- тирган саволларга ишончли жавоб олишига кенг имконият яратди.

Сайт орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушу- нарли ва содда тузилган. Муро- жаатлар ўз вақтида ҳамда ижо- бий кўриб чиқилиши учун ҳар бир масала алоҳида ва тушунарли тилда йўналиши мақсадга муво- фиқдир. Сайтда мурожаат макмо- ини (жавоб берилган-берилма- ганини) текшириш мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон рақамли имзо талаб қилинмайди.

Айни вақтда вазирлик марказий аппаратида мурожаатлар билан иш- лаб бўйича ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Юрtdошларимиз томо- нидан кўрилатгани ҳар бир маса- ла вазирлик мажлисларида мунта- зам муҳокама қилинмоқда ва улар мамлакатимиз қонунчилиги доира- сида ҳал этилаётди. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор.

(ЎЗА)

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

"Тошкент сув таъминоти" шўъба корхонасида "Фан-таълим ишлаб чиқаришга" номли кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳара- кати Мировод туман Кенгаши, "Тошкент сув таъмини- ти" шўъба корхонаси, Тошкент давлат техника уни- верситети ҳамда Тошкент ирригация ва мелiorация институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўрик-танлов- дан қўзғалган мақсад замонавий билимга эга бўлган, юртимиз тараққиётига ҳисса қўладиган мутахассислар сафини кенгайтириш, иқтисодий ва истеъдодли ёшлар- ни аниқлаш ва рақобатлантириш, уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилишдан иборатдир.

Мазлумки, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш жара- янда замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педа- гогик технологиялар, амалий таълимни самарали қўллаш, жаҳон фан-техникаси соҳасидаги янгиликлар- дан доимий равишда хабардор қилиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар қандай давлатнинг юксалиши юксак малакали мутахассисларга боғлиқдир, шу жи- ҳатдан ҳозирги кунда замонавий билимга эга бўлган, юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш ўта дол- зарб масалалардан биридир. Бу долзарб масалани ҳал қилишнинг энг самарали йўли фан-таълим ва ишлаб чиқаришнинг узий ҳамкорлиги саналади.

Кадрлар тайёрлашнинг барча бўғинларида фунда- ментал фанлар салмоқли ўрн эгаллайди. Ушбу фан- лар умуммуҳандислик фанларини ривожлантиришда дастурламал, замонавий илм-фан ва технологиялар- нинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун асос бўла олади. Назарий таълимни амалий таълим билан

боғлаш натижасида талабаларнинг интеллектуал са- лоҳияти юксалади ва уларда иxtирочилик қобилияти пайдо бўлади. Асосийи шундай қобилиятга эга бўлган кадрлар мамлакатимизнинг эртанги ривожланишини таъминлайди. Шу нукта назардан "Тошкент сув таъ- миноти" шўъба корхонасида амалиёт ўратиш учун кел- ган талабаларнинг амалий билимларини янада оши- риш мақсадида мазкур кўрик-танлов ташкил этилди.

Танловда 30 нафар ёш мутахассислар катнашди. Натижаларга кўра Абу Райҳон Беруний номидаги Тош- кент давлат техника университетининг энергетика фа- культети талабаси Расул Абдиев "Энг яхши инноваци- он ғоя муаллифи" ва Тошкент ирригация ва мелiorация институти сув ҳўжалигини автoматлаштириш ва ме- ханизациялаш факультети талабаси Эъзоз Озодов "Энг яхши ишлаб чиқариш амалиётчи" номинациялари бўйича г'олиб деб топилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фан-таълим ишлаб чиқариш интеграцияси натижасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қиладиган юксак салоҳиятли кадрлар етишиб чиқишига ишонч билдириб қоламиз.

Нодир АБДУШАХИДОВ, "Тошкент сув таъминоти" шўъба корхонаси ишлаб чиқариш техник бўлимининг I даражали муҳандиси

ний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишларига ҳавас қилса арзийди. Бу ўринда, давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик биз- нес юритиш асосида аҳолининг турли қатлам- лари, жумладан, ёш оилаларнинг моддий ҳаёти- ни шакллантириш, ривожлантириш учун ярати- лаётган имкониятлар хусусида гапирishi мум- кин. Масалан, мазкур йўналишда қилинаётган ишлар қаторида оилавий тадбиркорликни олиб қарайдиган бўлсак, бунда ота-оналар ва фар- зандларнинг ишлаб чиқариш иттифоқи маъна- вий ва моддий манфаатлар ўйналган асоси- да ташкил этилганлигини кўраимиз. Кези кел- ганда таъкидлаш мумкинки, оилавий тадбир- корлик билан шуғулланиш оилани мустаҳкам- лашга кўмаклашадиган, ички оилавий зиддият- ларни қамайтиради ва турмушда учрайдиган турли муаммоларни оқилона ҳал этиш имко- ниётларини кенгайтиради.

Оилани мустаҳкамлаш, мустақил фикрлаб, ҳаракат қиладиган, замон талабига жавоб бе- радиган авлодни тарбиялашда муҳим вазифалар- ни ҳаётга татбиқ этиш борасида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 18 майдаги "Тошкент шаҳ- рида оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тегиш- ли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш тўғрисида"ги қарори жуда муҳим ва зарурлиги билан аҳамият- лидир. Зеро, 2016 йил "Соғлом она ва бола" йили, аввало, юртимизда оила, оналик ва бола- ликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий- меъриёрий базани такомиллаштириш, оилаларнинг ижтимоий-моддий ва миллий-маънавий юксалиш госясини ҳаётга илҳом қилишга эътибор қилиш ва кўришни амалга ошириш билан изоҳланганда, кейинчалик ҳам ўз долзарблигини сақлаб қола- веради.

Барно РЎЗИЕВА, Тошкент шаҳар "Наврўз" никоҳ уйи мудираси

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигида имконияти чекланган шахслар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилган лойиҳа натижаларига бағишланган брифинг ўтказилди. Тадбирда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, мутахассислар, ижтимоий хизматлардан фойдаланаётган кексалар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири А.Абдуҳа- мимов ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг эъти- ёжманд қатламини, имконияти чекланган шахслар, ёлғиз кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини муҳофазадашда муҳим омил бўлаётганини таъкидла- ди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 26 декабрда имзоланган "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эътиҳамд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес- публикаси қонуни асосида бу жабҳадаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда кексалар, ногиронлар ва аҳоли- нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий ижтимоий хизмат кўрсатишнинг замонавий тизими яра- тилган. Уларни озиқ-овқат махсулотлари билан таъ- минлаш, ҳолидан доимий хабар олиш, саломатлигини муҳофазадаш, уй ишларида кўмаклашиш, парваришига муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирлигини, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорли- гида 2014-2016 йилларда амалга оширилган ёлғиз кек- салар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилашга йўналтирилган лойиҳа бу жабҳа- даги ютуқ ва тажрибаларни таҳлил этиш, муаммоларни аниқлаб, уларни амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида ўн етти мингга яқин ёлғиз кекса ва ногирон қамраб олиниб, уларга давлат ижти- моий хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, бундай ёрдамга муҳтож аҳолини тўлиқ қамраб олиш билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар бажарилди.

– Ногиронларни реабилитация қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш тиббий-ижтимоий ислохотларнинг муҳим йўналишидир, – дейди ЎЗА муҳбирига лойиҳа раҳбари Камол Жан- боев. – Аҳолига бу йўналишда замонавий андозалар даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя- лаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётди. Мам- лакатимизда ҳар йили йилгича мингга яқин киши но- гиронлик кўригидан ўтади. Лойиҳа доирасида ноги- ронларга бу йўналишда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида реабилитация дастурла- рини тузиш ва бажариш юзасидан янги услубий қўлла- ма яратилди.

Лойиҳа доирасида ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқий чора-тадбирларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ кенг қўламли ишлар- га, ногиронларни зарур воситалар билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қат- ламини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширила- ётган ишлар, бу борадаги лойиҳа натижалари ва иш- тикболдаги вазифаларга доир маълумотлар берилди.

Б.ХИДИРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШ-ТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАХОСИ БОС-КИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛА-ДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

2017 йил 24 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўта- диган аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

- Тошкент шаҳар Юнусов тумани, СИБ томонидан:
 - 26.10.2011 йилдаги 27423/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 778 ТВА бўлган "Ласетти" русумли автотранс- порт воситаси. Бошлангич баҳоси – 42 858 000 сўм.
 - 15.02.2010 йилдаги 505/22 –сонли ижро варақасига асосан хатланган 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 392 УАА бўлган "Ваз 2107" русумли автотранс- порт воситаси. Бошлангич баҳоси – 8 096 371 сўм.
 - 2017 йил 8 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўта- диган аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
 - Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, СИБ томо- нидан 11.01.2016 йилдаги 22/5/23-сонли ижро варақ- қасига асосан хатланган, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 3-уйда ҳамда Учтепа тумани, 25-мавзео, 41-уйда сақланаётган: 1.2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 899 ZCA бўлган "Nexia Sona" русумли авто- транспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 22 974 088 сўм.
 - 2.2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01205DDA бўлган "Nexia Sona" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 22 974 088 сўм.
 - Тошкент шаҳар Юнусов тумани СИБ томонидан 20.10.2010 йилдаги 42421/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2009 йилда ишлаб чиқарилган, дав- лат рақами 01 344 LAА бўлган "ИЖ 27175035" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 28 786 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади. Юқоридagi автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакилла- ри иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мум- кин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб- горлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги му- ддати 2017 йил 24 январь куниндаги аукцион савдоси учун 2017 йил 20 январь соат 16:00, 2017 йил 8 февраль куниндаги аукцион савдоси учун 2



Бахтиёр дамлар бардавом бўлсин.



И.Исмонлов олган суратлар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" MCHJ

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 17.10.2016 йилдаги № 10-1618/18143-сонли ижро ҳужжати ва 17.10.2016 йилдаги № 10-1618/18144-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган:

1.2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/732 ТТВ бўлган "Нексия Донс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 24 846 670 сўм. 2.2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/733 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 24 846 670 сўм. 3.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/945 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 25 917 338 сўм. 4.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/960 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 25 917 338 сўм. 5.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/961 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 26 730 399 сўм. 6.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/214 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 26 730 399 сўм. 7.2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/149 ТТА бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 750 310 сўм. 8. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/085 ТТА бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 750 310 сўм. 9.2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/113 ТТА бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 750 310 сўм. 10.2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/735 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 24 846 670 сўм. 11.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/143 ТТС бўлган "Нексия Донс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 31 106 365 сўм. 12.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/505 ТТВ бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 31 106 365 сўм. 13.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/148 ТТС бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 31 255 254 сўм. 14.2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/041 ТТС бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 31 975 796 сўм бўлган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБнинг 2016 йил 29 декабрь кундаги № 34081/11-сонли хатига асосан савдодан олинди.

Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 17.10.2016 йилги №10-1618/18146-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 412 ТТС бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 24 000 000 сўм. 2. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 133 ТТА бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 25 000 000 сўм. 3. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 415 ТТС бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 25 000 000 сўм. 4. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 138 ТТА бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 000 000 сўм. 5. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 321 ТТВ бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 25 000 000 сўм. 6. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 134 СЕА бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 000 000 сўм. 7. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 119 ТТА бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 23 000 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБнинг 2016 йил 28 декабрь кундаги № 24854/9-сонли хатига асосан савдодан олинди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 4 сентябрь 2016 йилда №00005208 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "BO"STONLIQ AGRO BIZNES" MCHJ (ИНН 304288041) таъсисчиларининг 30 декабрь 2016 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичда куйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99890 945-57-48

"Kim oshdi savdo servis" MCHJнинг "Тошкент окшоми" газетасининг 13.12.2016 йил №258-сонидagi Бошлангич баҳоси 56 100 000 сўм бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган "Captiva" русумли автотранспорт савдоси ҳақидаги эълони 06.01.2017 йил деб берилган савдоси 17.01.2017 деб ўқилсин ва аризаларни қабул қилишнинг охири санаси 05.01.2017 деб берилган санаси 16.01.2017 деб ўқилсин.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси ичка инфекцияси бўлими кичик илмий ходими Шарифа Самариддиновна Носировга отаси

Самариддин Каримович НАСРИДДИНОВнинг вафот этганиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 совуқ, кундузи — 5-7 даража ишқ бўлади.

Ўзгидрометнинг маъмурини хизмати мавсимига кўра, 5 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бар оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шўроқилини даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 5 январь кунини ҳаво ўзариб туради, кечаси ва эрталаб ёлғингарчилик кузатилади (ёмғир, қор) туман, кундузи ёлғингарчилик бўлмади. Ҳардан сеп кундуса 5-10 метр тегиликда

Спорт янгиликлари

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтимизда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга спортнинг техник ва амалий турлари — ҳона ва кордли авиамодель, пневматик милтиқ ва тўппончадан ўқ отиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ўтказилган мусобақаларда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан мусобақаларнинг худудий босқичларида голиб ва совриндор бўлган спортчилар иштирок этишди.

Ҳона авиамодель спорти бўйича ўтказилган мусобақада бухоролик Шаҳбоз Бафоев, Тошкент вилоятдан Алексей Бундин, Шамсиддин Бобоев, Айдер Бекиров, самарқандлик Зокир Кўчқоров ва пойтахтлик Шаҳзод Чавандозов голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Шу билан бирга жамоалар ўртасида 1-ўрин Тошкент, 2-ўрин Бухоро, 3-ўрин Самарқанд вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Кордли авиамодель спорт турида пойтахтлик Муҳиддин Бобораҳимов, Сардор Саид, наманганлик Сарварбек Бойларов, фарғоналик Шерзод Шавкатжонов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Фарғона, 3-ўрин Андижон вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича андижонлик Саидхон Сайфуддинов ва хоразмлик Олима Комилова, пневматик тўппончадан ўқ отиш бўйича эса II ўсмирлар Олимпиадаси голиби, пойтахтлик Владимир Свечников ва фарғоналик Муслима Йўлдошеввалар голиб бўлишди. Шу билан бирга жамоалар ўртасида 1-ўрин Андижон, 2-ўрин Наманган, 3-ўрин Фарғона вилоятлари жа-

моаларига насиб этди. Голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Мусобақа доирасида мураббий ва мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ўтказилди. Мусобақа иштирокчилари учун Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштирилди. Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, спортчилари мизининг бу борада эришяётган ютуқлари билан уларда юксак гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

Маълумки, футбол бўйича жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг учинчи босқичи "А" гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтказилган биринчи давра баҳсларидан сўнг Эрон ва Жанубий Кореядан кейин 9 очко жамғарган ҳолда учинчи ўринда бормоқда.

НАВБАТДАГИ РАҚИБИМИЗ АНИҚ БЎЛДИ

Шу йили жаҳон чемпионатида саралаш турнири учинчи босқичи иккинчи давра беллашувлари ўтказилди. Ушбу баҳсларга терма жамоамиз 21-24 январь кунлари БАА да тайёргарлик кўрадиган бўлди. Ўқув-машгулот йигини доирасида Самвел Бабяян шогирдлари Гру-

зия терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушишди. Шунингдек, февралда сафарда терма жамоамизнинг Арманистон терма жамоасига қарши ўртоқлик беллашувида ўзаро куч синашиши режалаштирилган.

"ЛОКОМОТИВ" "ЗЕНИТ"ГА ҚАРШИ

Мамлакат чемпиони ҳамда Ўзбекистон Кубоги соҳиб бўлган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси футболчилари айни кунларда таътилга чиқишган.

Аммо, темирйўлчиларни мамлакат чемпионатидаги баҳслардан ташқари Осиё чемпионолар лигаси турнири каби нуфузли мусобақа ҳам кутиб турибди. Темирйўлчилар ўқув-машгулот йигинларини БААнинг Дубай шаҳрида давом эттиришди. Дубайдаги машгулот йигини доирасида "Локомотив" Россиянинг "Зенит" клуби билан назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушади. Мазкур баҳс 20 январда бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Бокс бўйича олимпиада ўйинлари голиби Ҳасанбой Дўсमतов ва бокс мураббийи Равшан Ҳўжаевга Одесса шаҳрида нуфузли "Олтин Мангуст" халқаро мукофоти топширилди.

"Олтин Мангуст" — халқаро мукофоти жаҳон майдонларида юксак натижаларга эришган спортчиларни шарафлаш, спорт анъаналарини мустақкамлаш, соғлом турмуш тарзи ва спорт ривожига ҳисса қўшган мураббийлар, фахрийларни эъзозлаш мақсадида таъсис этилган. Ушбу мукофотта 2009 йили асос солинган бўлиб, 2012 йилдан буён мукофот халқаро миқёсда берилди.

Ҳасанбой Дўсमतов 2016 йилги мавсумда жуда кўплаб ютуқларга эришгани барчага яхши маълум. Албатта, боксчимизнинг муваффақиятлари замирида унинг мураббийи Равшан Ҳўжаевнинг ҳам катта хизматлари бор.

Хар икки юртдошимизга нуфузли халқаро мукофот муборак бўлсин! Ботир ҲўЖАЕВ

ТЕЗЛИК ВА ШИЖОАТ БАҲСИ

Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида тазквондо (WTF) бўйича мамлакат чемпиони ўтказилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз тазквондо ассоциацияси томонидан ташкил этилган мусобақада 330 дан ортиқ спортчи саккиз вазн тоифасида голиблик учун баҳслашди.

Кескин ва муросасиз баҳсларга бой ўтган чемпионатда Дмитрий Шокин, Валентин Хегай, Темурабек Уролов, Никита Рафалович, Шухрат Салаев, Шаҳбоз Тўсमतов, Максим Рафалович, Мирзо-

нозим Шарапов биринчи ўринни эгалладилар.

Мусобақанинг хотин-қизлар баҳсида Нигина Ражабова, Динора Мамадибрагимова, Чарос Қаюмова, Мафтуна Эргашева, Нилуфар Умирова, Дилдора Эллиева, Ниғора Турсункулова, Светлана Осипова шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгалладилар.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MCHJ Тошкент минтақавий филиалида бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани СИБ томонидан, Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2015 йил 26 июндаги № 22/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулк кўйилмоқда.

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Рақат кўчаси, 39-уй майдонида жойлашган турар жой биноси. Ер майдони 976,0 кв.м., умумий майдони 913,23 кв.м., 13 та яшашхона, 2 қават, мансарт ва ертўладан иборат турар жой кўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 3 743 429 258 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 8 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2017 йил 6 февраль кунини соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Koshmas mulk savdo xizmati" MCHJ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х.р. 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-А уй.

Тел./факс: (0371) 253-20-28. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz Лицензия: RR-0001.

"Best realtor" MCHJ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Миробод тумани СИБ томонидан, ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 15 сентябрдаги 31952-53/15-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Файзиобод 1-тор кўчаси, 60-уй манзилида жойлашган, 1976-1980 йилларда қурилган, 2 қаватли, умумий майдони 1342,65 кв.м. бўлган бино кўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 1 257 375 000 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 31 январь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 27 январь кунини соат 18:00.

Савдога кўйилган мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" MCHJнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия: RR-0225.